



«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, сиз, азиз болаларимни, сизларни кутлаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа – ёшлик, камолот ва спорт байрами – «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, барча-барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тилашдан бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик кўриб, сизларни бағрини кенг очиб кутиб олаётган, меҳр-оқибат, одамлилик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини биладиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муаззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматимни изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бугун мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этмоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда, биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинлигимизни, ўз мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсига ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш – **бундай улғувор вазифалар бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, барчамизга яхши аён дид.**

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз қўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарти ва омили – бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмадсан, бошини баянда кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдир ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-мингларча ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилаётган буюк келажагимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта танганимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин – бугунги кунда она юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини тортаётган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгитдан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳ-

сил олади. Бу ўқув юртлари энг илғор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2-3 та касб-ҳунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратди ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтайди, ҳаётга онгли қадам қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил – ҳам билим, ҳам касб-ҳунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўчоғини битириб чиққан сиз азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч кимдан кам бўлмай, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажагим ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшаш мукаррар. Бундай авлоднинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд, эртанги кун албатта ёруғ бўлади.

Ҳурматли мусобақа иштирокчилари!

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажагини спортсиз тасаввур этолмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-ҳунар чўққиларини эгаллаш билан бирга, спортга меҳр қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг барча белги-аломатларини ўзида мужассам этган ушбу «кичик Олимпиада»нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларни қўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта ғалаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларининг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 минг нафарни ташкил этаётгани ҳам, мазкур беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизгин ва мурасасиз кечганидан далолат беради.

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ – бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдида қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интилан, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини қўётган ҳар қайси ёш спортчиласи бугун жаҳон майдонла-

рида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрнат ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев, стол тенниси бўйича халқаро турнир ғолиби Тохир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Сарвар Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Мохинур Қасрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол тенниси бўйича халқаро турнирлар ғолиблари Суннатилла Баходиров, Ҳумоюн Султонов, Отахон Имомов ҳамда Саидхон Казакова, юнон-рум кураши, тазквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Қамариддин Зайниддинов, Темура Ҳасимов, Фафур Ақтамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим!

Барчангизнинг ҳаётингизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган, қизгин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суруятларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора хал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз қўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, даъватим шуки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлиш, маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир курувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутахассисларга ва ҳомий ташкилотларга, бутун Наманган аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

АНДРИС БЕРЗИНЬШ: ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИМ ҲАҚИДА САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов
тақлифига биноан мамлакатимизга
расмий ташриф билан келган Латвия
Республикаси Президенти Андрис
Берзиньш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари
Улғубек Розуқулов ҳамроҳлигида
29 май кун Самарқанд шаҳрига
ташриф буюрди.**

Олий мартабали меҳмон қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишувни Мирзо Улғубек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк даҳоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари ва тараққиётдан далолат беради. Андрис Берзиньш Мирзо Улғубекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Латвия Президенти Амир Темура ва Ҳўжа Дониёр мақбараларини бориб кўрди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шахарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожига ҳақида маълумот берилди.

Андрис Берзиньш Шарқ меъморчилигининг ноёб обидалари бўлган Регистон мажмуи ва Бибиҳоним масжидини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу муҳташам обидалар ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Латвия раҳбари Регистон мажмуида ташкил этилган латвиялик расом Валдис Бушс кўргазмасини кўздан кечирди.

Дунёда буюк аждодларимизнинг сўнам даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар яратилгани, улуг аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилгани ҳам қўриш мумкин. Хусусан, Латвияда Ибн Сино ва Мирзо Улғубекга ўрнатилган ҳайкаллар халқимиз тарихига чуқур ҳурмат ифода-сидир.

Андрис Берзиньш Сиёб дехқон бозорида ҳам бўлди. Мамлакатимиз фаровонлиги раъзи бўлган сарҳил ноз-неъматларни, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан Юрмала шаҳар думаси ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Латвия Президенти сафар якунида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

– Ўзбекистон Республикасига ташрифим ҳар томонлама самарали бўлди, – деди Андрис Берзиньш. – Делегациямиз аъзолари Ўзбекистонлик шериклари билан аниқ масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро фойдали келишувларга эришди. Бу келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларни рафат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради. Хусусан, Юрмала билан Самарқанд ўртасида имзоланган ҳужжат нафақат бу икки шаҳар, балки мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий мартабали меҳмон Шарқ гавҳари Самарқанд шаҳрини яна бир бор қўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнулигини билдирди. Самарқанднинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданий ўрмиши, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

Нодира МАНЗУРОВА,

Ҳолиб ҲАСАНОВ,

ЎЗА махсус мухбирлари



Ёшлик, Баркамоллик ва Спорт Байрами

Наманган шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2014» республика спорт мусобақалари бошланди

Наманган шаҳрининг бугунги оқшоми ўзгача тароватли. Вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг самаралари сангабаранг чироқлар ёдусида янада мафтункор манзара касб этган.

Бу оқшом Наманганнинг Дўстлик кўчаси ҳар кунгидан-да гавжум. Байрамона кайфиятдаги юртдошларимиз «Навбахор» стадиони томон ошмоқда.

«Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими ана шу ерда ўтади.

Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва ёшларимизнинг севимили спорт анжуманига айланган уч босқичли спорт мусобақалари 2000 йили Универсиада билан Наманганда бошланган эди. Мана шу стадионда бўлиб ўтган ўша тантанали маросимлар шуқуқини наманганликлар ҳамон илик таассуротлар билан эслайди.

Бугун яна бир шундай йирик нуфузли тадбир – ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами – «Баркамол авлод – 2014» мусобақаларига мезбонлик қилаётган Наманган янада чирой очган.

Ниҳоят, орақиб кутилган дақиқалар келди. Йигирма мингдан зиёд томошабин келган стадион узра «Баркамол авлод – 2014» спорт ўйинларининг чорлов садолари янграйди.

Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келди.

(Давоми 2-бетда)



учрашув ва давра суҳбатлари ўтказди.

• Жиззаҳ шаҳрида «Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойна» иқодий уюшмаси, вилот ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

• Андижонда замонавий машинасозлик масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг машинасозлик йўналишидаги олий ўқув

юртлари профессор-ўқитувчилари, «GM Uzbekistan» корхонаси мутахассислари, Фарғона водийсидаги автомобилсозлик саноати учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.



• Покистоннинг Сиялкот шаҳридаги фабрикалардан бирида 12 июнда бошланадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг расмий тўплари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур иш билан Adidas фирмасининг ҳамкори ҳисобланган Покистоннинг «Forward Sports» компанияси шуғулланмоқда. Расмий тўпларнинг айнан Покистонда ишлаб чиқарилаётган-

лигининг ўзига хос сабаблари бор. Чунончи, ушбу фабрикада бир йилда 70 миллион дон талаб даражасидаги тўп тайёрланади ва дунё мамлакатларига экспорт қилинади.

• Ipsas ижтимоий компанияси томонидан ўтказилган сўровлар натижаларига қўра, АКШнинг кўпчилиги фуқароси Хиллари Клинтонни 2016 йилда ўтказиладиган президент сайловларида ғолиб чиқади деб ҳисобламоқда. Бироқ, Клинтоннинг ўзи ҳозирча, давлат раҳбари лавозими учун курашиш ниятида эканлигини тасдиқлагани йўқ.

• Хитой ва Мянма чегарасида рўй берган 5,6 магнитудали кучли zilзила натижасида 9,5 мингта бино ва иншоотлар шикастланди, 12 киши жароҳатланди.



• Навоийда «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ёш олимлар, таниқли маданият ва санъат намоёндалари, кино ва театр актёрларидан иборат тарғибот гуруҳлари вилотнинг олис қишлоқларида бўлиб, ёшлар билан

(Давоми. Боши 1-бетда)

Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2014» спорт ўйинларини очиб, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод – 2014» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди. Давлатимиз байроғи кўтарилди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари байроғи қилпирайди.

«Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақалари иштирокчилари бўлажак беллашуларда ҳалол ва мurosасиз курашишга тантанали қасамд қилдилар.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, саломаатлигини мустаҳкамлаш, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратишга изчил эътибор қаратиб келинмоқда.

Бундай эзгу ишлар фарзандларимизнинг спортга қизиқишини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда.

Бугун катта ҳаётга дадил кириб келаётган ёшлар – халқимиз орзу қилган баркамол авлод вакиллари. Улар ўз соҳалари бўйича пухта билим олган, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирган, хорижий тилларни яхши биладиган, билимли, юксак маънавиятга эга жисмонан соғлом ёшлардир.

Мамлакатимиздаги бир ярим мингдан зиёд болалар спортини иншоотларида ташкил этилган 65 мингдан ортиқ спорт секцияларида икки миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланишмоқда. Уларнинг 840 мингдан ортиғи қизлардир. Кишлоқларда яратилган шароит туфайли спорт билан шуғулланаётган қишлоқ болаларининг сони 2003 йилдаги 14,7 фоиздан 2013 йилда 43 фоизга, жумладан, қиз болалар улуши 17,8 фоиздан 37,9 фоизга ўсди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўғил-қизлар сафи кенгайгани сари, табиийки, спорт инвентарлари-га бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Болалар спортини иншоотлари учун зарур бўладиган 120 турдаги ускуна ва анжомларнинг 116 тури мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон оммавий спортини ривожлантириш орқали катта спортда ҳам улкан ютуқларга эришаётди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътиборнинг амалдаги самаралари – ёшларимизнинг жаҳон ва қўша микёсдаги нуфузли мусобақаларда кўлга киритаётган ютуқларидан ҳақли равишда фойдаланамиз.

Мамлакатимиз шарафли халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар орасида уч босқичли спорт тизимини етишиб чиққан ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. Бугун ушбу моҳир спортчиларимиз улағиб келаётган ўғил-қизлар учун ҳақиқий ўрнак ва намуна тасолига айланган.

Бу борада «Умид нисоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуқсиз спорт тизимининг аҳамияти бекиёс. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизими мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътибор этилиб, бугун кўпбал давлатлар катта қизиқиш билан ўрганаётди.

Мазкур тизимнинг ўрта бўғини – «Баркамол авлод» спорт мусобақалари олтинчи мартабага ўтказилмоқда. Мазкур мусобақага илк мартаба 2001 йилда Жиззахда старт берилган эди. Мусобақанинг мамлакат босқичида туман, шаҳар, вилоят микёсдаги беллашуларда ўз иқтидори ва қобилиятини намойён этган энг сара спортчилар катнашди. «Баркамол авлод» беллашуларда қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спортдаги салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

Мусобақаларга Андижон, Чирчиқ, Нукус ва Термиз шаҳарлари мезбонлик қилди. Уларда қатнашган ёшларнинг иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бораётганини кўпбал спортчиларимиз халқаро майдонларда салмоқли ютуқларга эришаётганидан ҳам қўриш мумкин. Жумладан, Жамшид Искандаров ва Игорь Сергеев футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида Осиё ва жаҳон чемпионатларида тўп сурди. Бадий гимнастикани Комила Тўхтаева, Вероника Есипова ва Равия Фархудинова, шахматчи Нодира Нодиржонова, Хулкар Тоҳиржонова, енгил атлетикачи Руслан Қурбонов,

Зарнигор Ортикова, сузиш бўйича Ўзбекистон рекордчиси Юлдуз Қўчқорова қўша микёсдаги мусобақаларда кўп бор шохсулуга кўтарилди. Полвонларимиздан белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Шаҳбоз Саидмуродов каби спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда эришаётган натижалари муҳлису мутахассислар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намойён этиш, гурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, ифтихор туйғуларини синдиришда спортнинг аҳамияти бекиёс. Давлатимиз раҳбарининг болалар спортини – ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир, деган фикри амалда ўз исботини топмоқда.

...Стадионга Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қўёш ўчоғидан аланга олдирилган «Баркамол авлод – 2014» спорт

ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори асосида куриб фойдаланишга топширилган «Баркамол авлод» спорт мажмуаси спортсавар ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу мажмуа таркибида халқаро стандартларга жавоб берадиган катта стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, бокс, кураш, волейбол, баскетбол майдонлари ва теннис корти мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида «Навбахор» стадиони жаҳон андозлари даражасида реконструкция қилинди.

Шаҳарда «Камолот» ёшлар боғи, «Кичкинтой» боғи барпо этилиб, замонавий аттракционлар ўрнатилди. «Кичкинтой» боғида ҳайвонот боғи ва океанарий ташкил қилинди. Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри сингари маданият масканларида ҳам катта ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Ёш авлоднинг орзу-интилишларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида барпо этилган 400 ўринли томоша, 50 ўринли конференция зали, кўргазмалар зали, 20 га яқин тўрақлар бир пайтда машғул ўтказишга мўлжалланган хоналар, янги оила кураётган ёшларни никоҳдан ўтказиш, соғлом ҳаёт асослари, интернет тармоғига уланган ахборот ресурслари бўлими, бирийла 100 дан зиёд йигит-қизнинг бир неча спорт тури билан шуғулланиш имконияти яратилган спорт залини ўз ичига олган «Наманган Ёшлар маркази» вилоят ёшларининг камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

«Баркамол авлод» мусобақалари дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоотлар, иштирокчилар жойлаштириладиган меҳмонхона, ётоқхона ҳамда бошқа ижтимоий-маиший объектлар замонавий андозларда таъмирланиб, жиҳозланди. Жумладан, «Дўстлик» теннис корти мажмуасида 8 очик ва иккита ёпиқ корт, Наманган Олимпия заҳиралари коллежининг баскетбол зали, «Пахлавон» спорт мажмуасининг бадий гимнастика зали, «Баркамол авлод» спорт мажмуаси, футбол, волейбол, кўл тўпи, енгил атлетика, оғир атлетика майдонлари, сузиш ҳавзаси, шахмат павильони, Олий спорт

маҳорати мактабининг бокс, дзюдо, таэквондо, эркин кураш, юнон-рум кураши залларида мусобақаларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун барча қулайликлар яратилди.

Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика, Наманган муҳандислик технология институтлари ва бир қатор коллежларнинг турар жойлари ва спорт заллари, иншоотларида кенг қўламдаги таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Мусобақа иштирокчилари учун ўқув-юртларининг ётоқхона мажмуалари таъмирланиб, қулай шарт-шароитлар яратилди.

«Баркамол авлод – 2014» беллашуларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнглин очар тадбирларга бой катта маданий дастур тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндлари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саяхатлар, турли концертлар, бадий фильм ва спектакллар намойишлари, «Истиклол» дин-зайн маркази, «Ифтихор кийим санъати», «Нестле Ўзбекистон» каби замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан таништириш сингари тадбирлар кўзда тутилган.

...Майдонга мусика садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Улар ижро этган саҳна кўришнилари, қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намойён бўлади. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш авлоди вакиллари ёрқин театрлаштирилган томоша намойиш этади.

«Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақалари ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

«Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Абу Бакир ҲУЗОВ, Акронжон САТТОВ, ЎЗА махсус мухбирлари

Мухаммад Амин, Хотам Мамадалиев олган суратлар

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ



ўйинларининг машғаласини кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

«Баркамол авлод – 2014» спорт ўйинлари оловини бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳиства Рашидова ва белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров ёқди.

Томошабинларнинг ҳаяжонли хитоблари, гулдурас олқилари билан кутуб олинган ушбу аланга ёшларимизнинг қайноқ қалби, ёпиқ орзу-интилишлари, рамзи сифатида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2014» мусобақалари давомиде порлаб туради.

Мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан «Кичик Олимпияда», деб таърифланган уч босқичли узлуқсиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Эътиборлиси, бу йилги мусобақалар аввалгисидан тўртта кўп, яъни спортнинг ўн олти тури – баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи, белбоғли кураш, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, енгил атлетика, бадий гимнастика, теннис, стол теннисси, сузиш ва шахмат бўйича ўтказилмоқда. Мусобақаларда иштирок этадиган ёшларнинг аксариятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, юксак марралар сари интилаётган, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашуларда тажриба ва маҳоратини ошириб, катта спортдаги муваффақиятли оқимларини бошлаш арафасида турган иқтидорли ўғил-қизлар ташкил этади.

«Баркамол авлод» мусобақалари мезбони Наманган вилоятдаги спортни ривожлантириш, айнисига, болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганidan буён ўтган даврда вилоятда 140 га яқин спорт иншооти, жумладан, болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2009 йил 6 августдаги «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва

стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Сурғил» қони негизда қўйимга қарийб тўрт миллиард долларлик Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилмоқда. У нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир.

Мажлисда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида изчил ривож-

тўқимачилик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳаларда ўзаро фойдалани алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Мажлисда мамлакатнинг ёшлар ишбу йўналишлардаги ҳамкорлигини янада фойдалантириш масалаларини атрофича муҳокама этди.

Тадбирда меҳмонларга мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш босисида амалга оширилаётган ислохотлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналарида иш юритиш учун яратилган имконият ва имтиёзлар, шунингдек, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш истикболлари, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ан Чон Ги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашув ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА

Маълумки, мамлакатни демократлаштириш, эркин, ҳуқуқий давлат барпо этиш, мукаммал қонунлар ишлаб чиқиш ва уларнинг устуворлигини таъминлаш миллий парламентнинг устувор йўналишидир. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг нуфузини ошириш ва фаоллигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ислохотлар изчиллиги мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг мукамаллигига бевосита боғлиқ. Шундай экан, уларни такомиллаштиришда аҳолининг, яъни сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ҳамда таклифларини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўзлари сайланган сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Унда депутатлар ўз фракциялари Ҳаракат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Мазкур мулоқотлар жараёнида депутатлар томонидан сайловчиларга парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳалари хусусида батафсил маълумотлар берилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга ахборот бериш, 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жойлардаги ижроси билан боғлиқ камчиликлар, қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётгани, ҳўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож экани, сайловчиларнинг қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш мақсадида депутатлар ўз сайлов округларидаги вазиятни ўрганишмоқда.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ҳам эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоиз, учрашувлар чоғида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа бир қатор соҳаларда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга беварқ эмаслиги, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти тобора юксалиб бораётгани кўзга ташланапти. Хусусан, сайловчилар иқтисодий-модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар, жумладан, Қорақалпоғистонда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишига ҳам ўз муносабатларини билдириб, бу каби саяҳат-харакатлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, қолаверса, ижтимоий масалалар ечими, яъни аҳолини иш билан таъминлаш каби яна бир қатор йўналишларда ҳам муҳим аҳамият касб этишини билдиришмоқда.

Юртимиздаги макротиқисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит туфайли энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқда. Бунда яна бир муҳим омил бор. У ҳам бўлса тинчлик аталмиш неъматдир.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов 9 май – Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ОАВ вакилларига берган интервьюсида шундай фикрларни баён қилган эди: «... бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган халқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳўкм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт куриш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин». Учрашувлар чоғида яна шу нарса маълум бўлмоқдаки, юқорида Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар аслида халқимиз дилидаги орзулар билан муштаракдир.

Зеро, юртимиз буюк алломоу уламоларга, фозилу фазолларга, қомусий олимларга бешик бўлган юрт. Бўлиб ўтаётган мулоқотлар чоғида сайловчилар 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломулари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро илмий конференция ва унда давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқида ўз нуқтаи-назарларини билдириб, ўша давр буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш ва уни омма-лаштириш нафақат юртимизда ўсиб келаётган ёш авлод, балки, бутун инсониятга, катта қашу-фиётларга туртки бўладиган ўта муҳим маълумотларга эга бўлиш имконини берганини таъкидлашмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, депутатлик гуруҳларининг сайлов округларидаги учрашувлари, унда қўрилаётган масалалар ва уларнинг ижобий ечими аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилаш ва қонунчиликни такомиллаштириш каби мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 май куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳукуматлараро қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи ишлар, иқтисодий, молия, нефть-газ, савдо-сирмоа, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, тўқимачилик, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, авиаташув, атроф-муҳит муҳофазаси, алоқа ва ахборотлаштириш, геология каби соҳалари учун масўл вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўмита ҳамраиси Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда жадал тараққий этаётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи юксак суръат билан ривожланиб бораётган ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ва ишончли стра-

тегик шериги ҳисобланади. Мамлакатларимиз иқтисодий йўналишда катта салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

2013 йилда ўзаро товар айырбошлаш ҳисли 2,1 миллиард АҚШ долларида иш. Ўзбекистонда Жану-

бий корейлик ишбилармонлар билан ташкил этилган қарийб 420 қўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг саксонга яқин компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Жанубий корейлик бизнес вакиллари иштирокида юртимизда қатор

ланаётган савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ўзаро муносабатларини янада кенгайтириш, истикболли қўша лойиҳаларни муваффақиятга амалга ошириш имконини бераётгани қайд этилди.

– Ўзбекистон эришаётган юксак иқтисодий кўрсаткичлар таҳсинга сазовор, – деди Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари, қўмита ҳамраиси Ан Чон Ги. – Ўзбекистон билан машинасозлик, энергетика, металлургия, кимё саноати,

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Тошкент шаҳрида болаларнинг
VII республика форуми бўлиб ўтди.

БОЛАЛАР ФОРУМИ

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур форумда педагоглар, шифокорлар, умумтаълим мактаблари ва махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази раҳбари М.Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларнинг чуқур билим олиши, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида камол топиши масаласи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган.

Таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида умумтаълим мактаблари билан бирга махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, тиббий-ижтимоий реабилитация марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларни зарур жиҳозлар, техник ускуналар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Халқ таълими вазирлиги томонидан қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилаётган «Ўзбекистонда инклюзив таълим» ижтимоий лойиҳаси имконияти чекланган болаларнинг ўз тенгқурлари билан биргаликда таълим олиши, улар учун зарур шароитларни яратиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида имконияти чекланган болаларнинг болаларини ижтимоий-психологик, тиббий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлари янада кенгайтириш, психик функцияларини, кўриш, эшитиш, нуқт, тафаккур, хотира ва ҳаракатланishни ривожлантириш учун ногирон болаларга комплекс ёрдам бериш бўйича илгор технологияларни жорий этиш юзасидан қўллаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Форумда мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантириш, бу йўналишда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама этилди.

Анжуман доирасида болалар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига экскурсия ташкил этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

БАЙРАМ САЙЛИ

Пойтахтимиздаги «Тошкентленд» болалар истироҳат боғида «Ҳар бир фарзанда меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасида хайрия тадбири ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Таълим иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, SOS — болалар маҳаллари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари фаол ўқувчилари, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ҳизматчиларнинг фарзандлари таклиф этилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди раиси С.Иномова, Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази директори М.Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ота-она меҳридан бебаҳра болаларни иж-

тимоий ҳимоя қилиш, меҳрибонлик уйларидаги маънавий-ахлоқий, психологик-педагогик муҳитни янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътибор билан болаларнинг жамиятга фаол интеграциялашувида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби жамоат ташкилотлари томонидан қатор лойиҳалар ҳаёта татбиқ этилмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган касб ярмаркалари, иқтисодлаштирилган тиббий кўриклар, ижодий фестиваллар болаларнинг ижодий салоҳиятини аниқлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. «Соғлом

бола йили» Давлат дастури доирасида ушбу йўналишдаги эзгу ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

— Ёшларга кўрсатилаётган юксак меҳр-эътибор бизни аъло ўқиш, намунали ҳулқ, фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишга ундаётди, — дейди ЎЗА мухбири Гулистон «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиси Диёра Умрзоқова. — Бизга берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимизнинг янада обод бўлишига муносиб ҳисса қўшишга, улкан ютуқларга эришишга ҳаракат қиламан.

Хайрия тадбири давомида боғ-боғидаги аттракционлар, болаларнинг иштирокида бўлди Кичкинтойлар совғалар топширилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

КИТОБХОНЛАР ФЕСТИВАЛИ

Баркамол авлод эл-юрт таянчи, келажакимиз пойдевори, миллатимиз эртаси, Ўзбекистонимизнинг фахридир. Юртбошимиз раҳнамолигида эртанимиз ворислари бўлган ёшлар истеъдодини юзага чиқариш йўлида бугунги кунда кўплаб имкониятлар яратилмоқда.

Шаҳримиздаги Республика болалар кутубхонасига борсангиз кўплаб ёшларнинг маънавият ҳазинасидан баҳраманд бўлишаётганини кўрасиз. Айнан шу ерда ёшларимиз билимларини янада бойитишмоқда.

Республика болалар кутубхонасида ўтказилган «Китоб — бизни бириштирадиган» мавзусидаги китобхонлар фестивали ҳам ана шундай хайрли мақсадларни қўлаган ҳолда ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика болалар кутубхонаси ва Республика Байналмилал маданият маркази томонидан уюштирилиб, унда шаҳримиздаги Ахборот-ресурс марказларининг фаол китобхонлари ҳамда мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан китобсевар фарзандлари иштирок этди.

«Соғлом бола йили»га бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирдан қўзғалган асосий мақсад ёшларнинг маънавий-маърифий қарашлари, билим ва тасаввурларини янада ўстириш, маданиятимиз ҳамда адабиёт-

тимиз, санъатимиз ёдгорликларининг асл мухиятини уларга аниқлаш, китобга бўлган қизиқишларини оширишдан иборат.

Маънавият масканида ёшларнинг билим олишлари учун ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир асарлари, ўқув қўлланмалари ва бошқа турли адабиётларнинг барчаси мужассам.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллият ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда. Барча миллат вакиллари билан китобимизда ўз урф-одатлари, миллий қадриятларига амал қилишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Таъкидлаб ўтиш жоизки, сеvimли шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг Ватани мадҳ этувчи жозибали шеърий китоблари, ўзбек халқининг улғў ёзув-

чиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Фафур Фуломнинг «Шум бола», Худойберди Тўхтабоевнинг саргузаштларига бой асарлари, Анвар Обиджон, Мирозиз Аъзамнинг ижод намуналари дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган. Шунингдек, ака-ука Гримм эртаклари, Николай Носовнинг «Билмас-войнинг саргузаштлари», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», Андерсеннинг «Қор маликаси» каби асарлари болаларнинг сеvim мутлола қиладиган асарларига айланган.

Тадбирда сўзга чиққанлар китоб қайси тилда бўлишидан қатъи назар, инсоният маънавиятини шакллантирувчи, халқларни бириштирувчи, эзгу мақсадлар сари етакловчи беқиёс куч эканлигини таъкидлаган ҳолда кутубхона

фондида 220 мингга яқин ўзбек ва жаҳон халқлари болалар адабиётлари сақланаётганлиги ҳақида сўз юритишди.

Мазкур маънавият маскани китобхонларга икки йўналишда — аънавий ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда хизмат қилмоқда. Кутубхонанинг интернет тармоғидаги www.kitob.uz болажонларнинг сеvimли сайтига айланган. Ушбу сайт орқали Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида ҳар ойда бир маротаба on-line дарс мулоқотлари ташкил қилинмоқда.

Тадбир сўнгига фаол китобхонларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ҳабиба ЙҮЛДОШЕВА

Ўзбекистон Банклари ассоциациясида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан германиялик ҳамкорларни жалб этган ҳолда «Жамғариш — келажак меваси» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси ҳамда хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида ташкил этилди.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад аҳолининг банкка бўлган ишончини ошириш ва бўш пул маблағларини банкка жалб қилган ҳолда уларни инвестиция қилиб жойлаштиришдан иборат, — дейди Республика Марказий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бўлим бошлиғи Зиёидилла Холдоров. — Бунинг учун банкларда жозибадор омонат турлари қўйилганлиги, омонат ҳисобварақларига қўйилган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод қилинган бўлиб, ушбу маблағларни омонатларни чекловларсиз тасарруф этишлари. Тижорат банкларидagi омонатлар қолдиги 2014 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,5 фоизга ўсиб,

бугунги кунда унинг миқдори 26,2 трлн. сўмдан ошди. Ҳисобот даврида молиявий хизматлар таркибида, бевосита банк хизматларининг улуши 88 фоизни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич ҳам 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўпайди. Бу эса банк тизими-

ни ислох қилиш, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш сифати ва қўламини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган мақсадли чора-тадбирларнинг самарасидир. Аҳоли омонатларини банкларга жалб қилишни рағбатлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳолининг банклардаги депозитлари ҳажми охириги 3 йил давомида 2,3 баробар ошди. Семинарда барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашда муҳим бўлган инвестицияларнинг ички манбаи ҳисобланадиган жамғармаларнинг иқтисодиётда туган ўрнининг муҳияти очиб берилди.

Шу билан бирга, семинар қатнашчилари оила бюджетини самарали ташкил этишнинг асосий жиҳатлари,

оила бюджетининг махсус китоби, уларни юритиш бўйича молия ташкилотлари мутахассислари консултациялари ҳамда Германия молия ташкилотлари томонидан аҳолининг ёш жиҳатидан турли гуруҳларига мўлжалланган молия хизматлари билан ҳам таништирилди.

Мамлакатимизда ташриф буюрган германиялик экспертлар республикадаги тижорат банклари томонидан аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича амалдаги қонунчилик базасига, айниқса банкларга нисбатан ишончининг ошишига хизмат қиладиган аҳоли омонатларини 100 фоизлик ҳимоялаш кафолати, улар бўйича сирнинг сақланиши ҳамда омонатлар бўйича олинган даромадларнинг солиқдан озод этилишига ижобий баҳо бердилар.

Бундан ташқари, семинар иштирокчилари германиялик экспертлар билан уларни қизиқтирган масалалар бўйича фикр алмашишди. Жамғарма ишларини самарали ташкил этиш, банк мутахассисларининг янги ва замонавий жамғарма турларини ишлаб чиқишдаги профессионал билимларини ошириш, жамғарманинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда туган беқиёс ўрнини аҳолига етказиш борасидаги масалалар таҳлил қилинди.

Жойларда омонатларни банкда сақлашнинг афзалликлари тўғрисида банклар томонидан ўтказилаётган семинарлар ва давра суҳбатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур масалалар юзасидан навбатдаги семинарлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этилади.

Фаррух БАХРОМОВ

ДОИМИЙ
КОМИССИЯЛАР
ЙИГИЛИШЛАРИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиялари ҳамда Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилган масалалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги «2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида саноатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, шу мақсадда инвесторларни жалб қилган ҳолда жаҳон бозориди рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 27 январдаги «2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси муҳокама этилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил биринчи чора бўйича ақунлари, Тошкент шаҳрида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Сергели туманлари ҳокимликлари фаолиятлари кўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н.Насимов, С.Турабжонов, С.Бобоқуллов, М.Раҳматуллаева, Д.Исламова, М.Қосимов, Ж.Қўлмухаммедов, К.Шокирова, Ш.Тошматов, Т.Матиев, Д.Аюпов, Н.Эшметова, Х.Мўминов, Н.Темирова, М.Икромов, Р.Шарилов, Б.Ахмеджанов, Жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари котибияти мудир Б.Қосимов, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ж.Сулаймонов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи М.Раҳимов, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Бурхонов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Ақайдинов ҳамда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунига кўра кун тартибидagi масалалар бўйича доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ
АРХИТЕКТУРА-ЎҚИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ
БЎШ ҲУНАРЛАРГА ТАЪЛИМ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири: шаҳарсозлик ва ландшафт архитектура, Геодезия ва кадастр, Касбий педагогика, Гидротехник иншоотлар, замин ва пойдеворлар, Қурилиш материаллари буюмлари ва конструкциялари технологияси.

Профессорлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Қурилиш материаллари ва кимё, Архитектура тарихи ва назарияси, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик, Ландшафт дизайни ва интерьер, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектура, Чизма геометрия ва компьютерда лойиҳалаш, Қурилиш материаллари ва кимё, Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш, Қурилиш конструкциялари, Қурилиш технологияси ва ташкилоти, Бино ва иншоотлар, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар.

Катта ўқитувчилар: Архитектуравий лойиҳалаш, Ландшафт дизайни ва интерьер, Расм, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик, Чизма геометрия ва компьютерда лойиҳалаш, Касбий педагогика, Бино ва иншоотлар, Қурилиш материаллари ва кимё, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Менежмент, Математика ва табий фанлар, Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш, Геодезия ва кадастр, Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар, Ўзбек ва хорижий тиллар, Гидротехник иншоотлар, замин ва пойдеворлар.

Ассистентлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Ландшафт дизайни ва интерьер, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектура, Геодезия ва кадастр, Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар, Ўзбек ва хорижий тиллар, Расм, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик, Бино ва иншоотлар, қурилиш конструкциялари, Жисмоний тарбия.

Кафедра мудири лавозими таълимида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Таълим муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Таъловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш. Навоий қўчаси, 13, ҳодимлар иш юритиш бўлимига ёки Илмий котибга учрашишлари мумкин. Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадрасти бошқармаси томонидан «Oily Nav» МЧЖ номига берилган ТА 105702Д серияли, ОУ219315 реестр рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

